



БАРКАМОЛ АВЛОД, ОИЛА ВА ЖАМИЯТ ХАМКОРЛИГИ САМАРАСИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19103686>

Аликулова Мухайё Исроиловна.

Кўқон Университети Психология факультети бакалавр.

Аёллар маслахатчиси ҳамда турк тили таржимони.

Annotation; *This article highlights the decisive role of cooperation between the family and society in raising a harmoniously developed generation. It is emphasized that a child's upbringing is primarily formed within the family, while his or her spiritual and moral development is strengthened under the influence of society. The article analyzes the importance of interaction between parents educational institutions, the mahalla, and public organizations in shaping the younger*

Generation as spiritually mature, patriotic, and responsible individuals. It is also scientifically substantiated that the unity of the family and society plays a crucial role in educating an educated, highly moral, and comprehensively developed generation.

Keywords; *family, society, upbringing, spiritual and moral development, cooperation between family and society, personality.*

Аннотация: *В данной статье освещается решающая роль сотрудничества семьи и общества в воспитании гармонично развитого поколения. Подчеркивается, что воспитание ребенка прежде всего формируется в семье, а его духовное и нравственное развитие укрепляется под влиянием общества. В статье анализируется значение взаимодействия родителей, образовательных*

учреждений, махалли и общественных организаций в формировании молодого поколения как духовно зрелой, патриотичной и ответственной личности. Также научно обосновывается, что единство

семьи и общества имеет огромное значение в воспитании образованного высоконравственного и всесторонне развитого поколения.

Ключевые слова: *гармонично развитое поколение, духовно-нравственное развитие, личность, образование, сотрудничество.*

Аннотация: *Ушбу мақолада баркамол авлодни тарбиялашда оила ва жамият ҳамкорлигининг ҳал қилувчи аҳамияти ёритилади. Фарзанд тарбияси аввало оила бағрида шаклланиши унинг маънавий камолоти эса жамият таъсири билан мустақамланиши таъкидланади. Мақолада ота-она тарбияси таълим муассасалари маҳалла ва жамоатчиликнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги ёш авлодни маънавий етук, ватанпарвар ва масъулиятли шахс сифатида тарбиялашда муҳим*



омил экани таҳлил қилинади.Шунингдек оила ва жамият бирдамлиги баркамол,билимли ва юксак ахлоқ сохиби бўлган авлодни вояга етказишида беқиёс аҳамиятга эга эканини илмий назарий жиҳатдан асослаб берилади.

Калит сўзлар; ;жамият, таълим, ахлоқ, баркамол, тарбия,оила, шахс,маънавий,жамоат.

КИРИШ.

Инсон ҳаётидаги энг улуғ ва масъулиятли вазифалардан бири фарзанд тарбиясидир.Фарзанд инсон ҳаётидаги энг буюк неъмат ва келажакнинг энг мухим пойдеворидир.Ҳар бир бола дунёга келганда у пок мусаффо ва тарбияга мухтож ҳолда туғулади.Бугунки кунда тарбияланаётган бола эртанги жамиятнинг аъзоси миллатнинг таянчи ва Ватаннинг келажакдир.Шунинг учун ҳам фарзанд тарбиясига бефарқ қараш мумкин эмас.Тарбия сўзини тор доирада тасаввур қилмаслик лозим.Бу масъулиятли вазифа аввало оила зиммасига тушсада жамият ҳам бу жараёнда мухим ўрин тутаяди.

Унинг қандай инсон бўлиб вояга етиши аввало оила муҳити кейин эса жамият таъсирига боғлиқдир.Оила тарбиянинг биринчи мактабидир,Боланинг қалбидаги илк тушунчалар одоб-ахлоқ меҳр-оқибат ва ҳурмат каби қадриятлар айнан оилада шаклланади.Ота-она

зиммасидаги бурч фарзандга фақат чиройли одоб-ахлоқ ўргатишдан иборат эмас уни турли мафкура ва ғайриинсоний ғоялардан сақлаш ҳам керак.Эътиқоди соғлом, мафкураси тўғри бўлган фарзандгина ота-онага

меҳрибон, эл-юртига садоқатли фидойи инсон бўлиб вояга етади.Бироқ бола фақат оила таъсири билангина шаклланмайди.

Унинг камол топишида жамият-мактаб, маҳалла, дўстлар, устозлар ва атроф муҳит ҳам катта ўрин тутаяди.Жамият қанчалик маънавий билимли ва тартибли бўлса шу жамиятда улғайган фарзандлар ҳам шунчалик баркамол бўлиб етишади.Фарзанднинг ёт ғояларга учиб нотўғри йўлларга кириб қолмаслигида асосий воситачи ота-она ҳисобланади.Афсуски ҳозир баъзи бир оилаларда фарзандга тарбия

бериш керак деган тушунча умуман йўқолиб кетган.Уни доим эркалайди, мактабни битирмасидан ўзи ҳам ишлатмаган қиммат телефонни(қарзга бўлса ҳам) олиб беради.Ошна оғайниси кимлар

экани ҳақида сўраб суриштирмайди, интернетни кўраётгани билан қизиқмайди,китоб ўқитмайди.Оқибатда фарзанд секин аста кўрганлари таъсирига тушади.Миллийликни йўқотиб ўзида Ғарб маданиятини шакллантира бошлайди.Тарбия ўчоғи бўлган оила ҳар бир халқ миллат ҳаётининг давомийлигини сақловчи миллий қадриятлар ривожини таъминловчи



маънан ва жисмонан баркамол авлодни дунёга келтириб тарбиялаб ватанпарвар юрт ҳимоячиларини вояга етказувчи муқаддас макондир. Мамлакат тараққиёти давлатнинг кудратли бўлиши ёш авлод тарбиясига ҳар жиҳатдан боғлиқ. Тарбия хусусий эмас умум миллий ижтимоий ишдир. Бинобарин фарзанд ота-онанинг бахти бўлса, тарбия фарзанднинг бугуни эртаси ва келажакдир.

Бугунки мулоқот даврида нафақат болаларга балки ёшлар катталарга ҳам таъсир кўрсатадиган омиллар бор. Булар қаторига оммавий ахборот воситалари яъни китоб, журнал, кино, театр, радио, телевидения, компьютерлар, интернет CD ва DVD каби ёзма ва оғзаки

матбуот визуал воситалар ҳисобланган телевидения ва интернет муҳим аҳамиятга эга. Бу сеҳрли кутулар аслида ажойиб неъматлар бўлсада, агар улар назорат остида ишлатилмаса, эгаларига жиддий зарар етказиши мумкин. Вақтни беҳудага сарфлашдан ташқари, интернет ўйинларининг болалар учун энг салбий томони шундаки,

улар тажовузкор хис туйғулар ва ҳатти ҳаракатларнинг ривожланишига сабаб бўлади. Фарзандларини бутунлай ўз ҳолига ташлаб қўйган, уларни бу сеҳрли кутуларга топширадиган ота-оналар

улар томоша қилаётган фильмлар, сериаллар ва ҳаттоки

мультифильмларни уларга онгсиз равишда сингдиришга урунаётган салбий контентлардан салбий таъсирланишларига сабаб бўлади.

Ушбу дастурлар доимий равишда тажовузкорлик, зўравонлик, жинсий зўравонлик, ўғирлик, талончилик ва ишламасдан тез бойиб кетиш ғояларини сингдиради ва бу нотўғри ҳаракатлар уларда онгсиз равишда сингиб кетишига олиб келади. Бундан ташқари диний кадрятларни камситувчи ва масхара қилувчи дастурларни эфирга узатилиши ҳам одамларимизнинг диний кадрятларига шубҳа билан қарашларига сабаб бўлмоқда. Фарзандларининг дунёвий ва маънавий бахтини таъминлаш энг муҳим вазифаларидан биридир ота-оналарнинг. Жамиятда яшовчи инсоннинг тарбияси ва шахсиятини ривожантиришда оилавий таълимдан ташқари унинг яқин атроф муҳитининг таъсири ҳам инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир.

Бунинг сабаби одамлар табиатан таъсирга мойилдирлар. Оиладан кейин бу ўзаро таъсир муҳитларидан бири бу бола ҳар куни мулоқот

қиладиган дўстлар доирасидир. Болаларнинг тенгдошлари ва бир жинсдаги дўстлар бўлиши муҳимдир. Чунки боланинг қарама қарши

жинсдаги одамлар билан узоқ вақт ўтказиши, уларда ўша жинсдаги



ҳаракатларни шакллантиришга олиб келиши мумкин. Оиладан кейин мактаб инсоннинг ижтимоий ҳаётини тушунадиган ва амалда қўллайдиган жойидир. Мактаб оиладан каттароқ ва фаолият соҳалари турлича бўлиши билан фарқ қилади. Болаларга нафақат билим балки ахлоқ, одоб, тарбия бериш вазифасини бўйнига олган ўқитувчилар, уларни фазилатли ва хайрихоҳ шахслар қилиб тарбиялашлари, миллат ва мамлакат манфаатларини, шахсий манфаатларидан устун қўйишлари ва муқаддас кадриятларни ҳурмат қилишлари керак.

Оила, дўстлар ва мактабдан сўнг боланинг таълимига таъсир қилувчи яна бир муҳит бу маҳалла ва кенгрок маънода шаҳар ва жамият.

Бола ўз ҳоҳишига қарши яшашга мажбур бўлган бу муҳит унинг ахлоқини яхшидан ёмонга, шунингдек ёмондан яхшига ўзгартириши мумкин. Ибн Халдун атроф муҳитнинг шахсга таъсирини қуйидагича ифодалаган. "Инсон ўз табиатига ва феъл атворининг эмас балки уни ўраб турган муҳитнинг ва у ўша муҳитдан олган одатларининг фарзандидир".

Малик Ибн Наби шунингдек шундай деган: инсон ўзининг ижтимоий хусусиятларини мактабдан олган таълимига эмас балки ўз

муҳитининг ўзига хос шароитларига қарздор.

Маданият мактабга эмас балки муҳитга кўпроқ боғлиқ. Атроф муҳит маданий кадриятларнинг

қолипидир. Чунки инсон шахсияти унинг дунёқараши ахлоқий фазилатлари ва ҳаётга муносабати аввало у яшаб турган ижтимоий муҳит таъсирида шаклланади. Мактаб билим беради, тартиб ва интизомга ўргатади аммо инсоннинг ҳақиқий маданияти унинг кундалик ҳаёти атрофидаги одамлар билан муносабати ва жамиятда ҳукм сурган кадриятлар таъсирида камол топади. Атроф муҳит инсон учун гўёки кўринмас тарбиячи вазифасини

бажаради. Бола оилада ота-онанинг муомаласини, маҳаллада катталарнинг одобини, жамиятда эса инсонлар ўртасидаги ҳурмат ва масъулиятни кузатиб улғаяди. У кўрган ва ҳис қилган муҳит унинг қалбида маълум тушунчаларни шакллантиради. Агар бу муҳитда меҳроқибат, ўзаро ҳурмат, ҳалоллик ва маънавий кадриятлар устувор бўлса боланинг шахсияти ҳам ана шу фазилатлар асосида шаклланади. Шу маънода атроф-муҳит маданий кадриятларнинг шаклланишида муҳим ижтимоий омил ҳисобланади. Жамиятдаги маънавий муҳит қанчалик соғлом ва барқарор бўлса ёш авлоднинг тарбияси ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Чунки инсон нафақат сўздан балки кўрган намунасидан ҳам тарбия олади. Демак маданиятни шакллантиришда фақат таълим муассасалари эмас балки оила, маҳалла ва бутун жамиятнинг маънавий муҳити ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки соғлом ва маънавий бой



муҳит -баркамол ва маданиятли авлод тарбиясининг энг мустахкам пойдеворидир.

ХУЛОСА

Инсон ҳаётининг ҳар бир босқичи муҳим бўлсада болалик алоҳида аҳамиятга эга. Бу давр бола ҳаётининг пойдевори қўйиладиган ва унга кўп таъсир кўрсатадиган даврдир. Бу даврда берилган таълим унинг шахсиятини шакллантиришга энг муҳим омил бўлади. Шу нуқтаи назардан боланинг биринчи ва энг таъсирли ўқитувчилари бўлган оналар зиммасида катта масъулият бор. Оила -шунчаки боланинг моддий эҳтиёжлари қондириладиган

жой эмас. Шунинг учун оилаларни шунчаки ушбу эҳтиёжларни қондириш орқали ўз вазифаларини тўлиқ бажарган деб ҳисоблаш мумкин эмас. Эҳтимол уларнинг энг муҳим

вазифаси уларга ишониб топширилган ”дунё безаклари”

бўлган болаларни келажак учун энг яхши тарзда тайёрлашдир. Ушбу вазифани бажариш билан бирга оналар ва бола тарбиялашда иштирок этадиган бошқа оила аъзолари эътибор беришлари керак бўлган баъзи жиҳатлар мавжуд.

Шубҳасиз улардан энг муҳими ўз масъулиятини англашдир. Бу хабардорликни

оширгандан сўнг улар болалар учун тинч муҳит яратишдан бошлашлари ўзларининг намунали хатти-ҳаракатлари орқали яхши ўрناق бўлишлари ва сўзлари хатти-ҳаракатлари бир-бирига зид келмаслигига жуда эҳтиёт бўлишлари керак. Шу тарзда улар болани ҳоҳлаганча тарбиялайдилар. Умурбод таъсир кўрсатадиган ижобий хатти-ҳаракатлар сингдирадилар.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Имом Бухорий Ҳалқаро илмий тадқиқот маркази мақоладан олинди. 05.03.2026
2. EĞİTİM-ÇEVRE ilişkisi. Mahmut Sönmez. 01.10.2017 Таълим – атроф-муҳит муносабати. Маҳмут Сўнмез.
3. Kun.uz. Таълим ва тарбия. 04.11.2016
4. Mehmet Emin. Aile ve çevre içinde yapılan araştırmalar. Istanbul. Мехмет Эмин. Оила ва жамият тадқиқотлари. 12.06.2001